ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 29 (307) 2002 йил 17 июль, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

Газетамизнинг ўтган сонларида Фарғона вилояти маҳаллаларида аҳолидан коммунал тўловларни йиғишда агент хизматидан фойдаланилаётгани эълон қилинганди. Шундан сўнг кўпгина газетхонларимиз мактублар ва телефон қўнғироқлари орқали бизга мурожаат этишиб, бундай агентлар хизмати ҳақида тўлиқроқ маълумот беришимизни сўрашди. Газетхонларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, биз ушбу суҳбатни чоп этаяпмиз.

АГЕНТЛАР МАҲАЛЛА ИШИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ

Коммунал тўловлар йиғишни маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида ўтказиш сўнгги пайтда кенг оммалашди.

Вилоятимиз ҳокимлиги бу тажрибани қўллаб-қувватламоқда. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бу ишда бош-қош бўлмоқда. Ҳокимлик томонидан шу йилнинг май ойида қабул қилинган «Вилоят аҳолисидан коммунал тўловлар ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарор асосида шаҳардаги 20 та, туманлардаги 961 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида агентлар хизмати ташкил этилди. Улар томонидан барча турдаги коммунал тўловлар 100 фойиз миқдорида ундирилгач, бу маблағнинг 10 фойизидан маҳаллани ободонлаштириш, жонкуяр ва фаолларни моддий рағбатлантириш, камхарж хонадонлар тўловларига ажратиш сингари мақсадлар амалга оширилади. Агент хизмати учун билимдон, масъулиятни чуқур ҳис эта оладиган мутахассисларни танлаб, жойжойига қўйишга эришиляпти. Эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинларининг 60 фойизида шундай мутахассислар иш юритишмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари Халқ банкининг жойлардаги шахобчалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, агентлар томонидан топшириладиган тўловлар учун суб-ҳисоб рақамлари очишди. Бугунги кунда 961 та агент-мутахассисларни уловлар (техник воситалар) билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилаётир. Айни вақтда аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш борасидаги бу тажриба Қувасой, Қўқон шаҳарлари, Тошлоқ туманида оммалашмоқда.

Вилоят ҳокимлиги мутасадди ташкилотлар кўмагида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг обрў-эътибори ва таъсир кучини ошириш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Маҳалладаги маънавий-маърифий йўналишдаги эзгу тадбирлари ҳамда барча хайрли юмушларини вилоят ҳокимлиги қувватлайди, зарур бўлса мадад қўлини чўзади. Бу эса ўз ўрнида маҳалла фаолиятини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларнинг оммалашишига хизмат қилади.

Гулнора МАЪРУПОВА,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси.

ЯХШИ НИЯТ ИЖОБАТИ

УЙИМИЗ БУҒДОЙГА ТЎЛДИ!



Халқимиз элга хизмат қилган кишини «Уйинг буғдойга тўлсин» дея дуо қиладилар. Ризқ рўзимиз яратувчилари - деҳқонларни ҳам ушбу кун шундай алқаётган бўлса керак, сабаби улар бу ишончни оқладилар-да! Улар миллион-миллион тонна сара дон тайёрлаб, дон мустақиллигига эришганимизни яна бир бор исботладилар. Хирмонимиз донга тўлиб, шартномалар бажарилди, қайта ишлаш корхоналари кечаю кундуз гуриллаб турибди! Майдонларда дон йиғиштириш ишлари давом этмоқда. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ғаллакорлари, деҳқон фермерларининг қувончлари чексиз. Бундай тадбиркор, тажрибали фермерлар бу вилоятларда ҳам кўп.

- Жиззах вилоятида биринчи бўлиб давлат шартномасини бажардик ва ҳокимликнинг «Тико» русумли енгил автомашинаси мукофотини олдик, - дея ҳаяжонланиб сўзлайди Мирзачўл туманидаги «Тошкент» хўжалигининг фермери Санар Маленбаев. - Ҳосилимиз мўл бўлди, унинг учдан бир қисмини яъни шартномадан ортиғини ўз эҳтиёжимиз учун олдик. Ҳозир фермерларнинг хонадонида тонна-тонна ғалла бор!

Бу мустақилликнинг шарофати. Ўзбек деҳқони ҳамиша уйида дони, уруғлиги бўлишини хоҳларди. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бу орзу амалга ошди. Қатағон йилларида ота боболари бир кафт буғдой учун Сибирга сургун бўлиб кетган деҳқоннинг бугунги қувончини изоҳлаб бўладими?!

Сирдарё вилоятида ғалла етиштиришни тўлиқ ўз зиммаларига олган туманлар бор. Сирдарё, Боёвут, Шароф Рашидов номли туманларнинг фермерлари бу борада янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Болаларимиз орзиқиб кутадиган ёзги таътилнинг тенг ярми ҳам ўтиб бўлди.

БОЛАЛАРНИ «БОЗОРГА СОЛИБ» БОЙ БЎЛАМИЗ(МИ)!?

Албатта, болаларимизнинг баъзилари ёзги оромгоҳларда дам олмоқда, спорт билан шуғулланмоқда, бошқалари эса...

Шулар қаторида таътил даврида шаҳар жамоат транспортида чипта сотаётган, гавжум жойларда салқин ичимлик сотаётган, бозорларда арава тортиб киракашлик қилаётган ўспиринларни ҳам учратиш мумкин. Меҳнат қилишнинг ҳеч бир айби йўқ, устига-устак меҳнатга қайишган болада одамлар билан муомила қилиш кўникмаси шаклланади, ота-онасининг оилада моддий фаровонликни таъминлаш учун қандай заҳматларни бошдан кечираётганинг қадрига ета бошлайди. Бундан ташқари, дейлик бир ўсмирнинг ёзги таътилда ишлаб топган маблағига келаси ўқув йили учун ўқув қуроллари, оҳорлик кийим-кечак сотиб олиши мумкин. Шу сабабли, оила бюждетига бироз бўлса ҳам ҳиссаси қўшилгани учун кўпчилик ота-оналар фарзандларининг таътилда ишлашига қаршилик қилмасликлари мумкин.

Энди бу масалага бошқа томондан ёндошсак-чи? Бозорлик қилиб юрган аёл ёнидаги фарзандига газли сув сотаётган ёки арава тортаётган тенгқурини кўрсатиб «Ана, сен тенгилар ишлаб пул топаяпти, сен бўлсанг кўча чангитиб, футбол ўйнашдан бошқасини билмайсан» дея дакки берганига шахсан ўзим бир эмас, бир неча марта гувоҳ бўлганман. Шу ўринда «топармон» ўспириннинг ҳам, пул топишни ўйламай футбол ўйнаб юрган ўспириннинг ҳам онгида «пул топганга барча таҳсинлар экан-да» деган фикр шаклланмайдими?» Менимча, шаклланади! Муҳими, ёзги таътилда мазза қилиб футбол ўйнаб, дам олаётган тенгдошига «савдо»да ўтирган боланинг ҳаваси келиши ўрнига, тескариси бўлади: пул топмаётган бола «Қандай қилиб мен ҳам пул топсам экан-а?» деб ўйлайди, ўзини ношуддек ҳис қилади. Бу табиий ҳол, чунки ҳар иккиси ҳам катталарнинг пул топаётган одамга ўзгача «ҳурмат» кўрсатишларига гувоҳ бўлиб турибди-ку. Ишонч билан айтиш мумкинки, кичиклигидан пул топишга ўрганган болаларда ўқиш, билим олиш албатта иккинчи даражали ишга айланади, улар у таътилдан бу таътилгача «ёз келса ишлаб бунча пул топаман» деган ўй билан яшайдилар. Иккинчидан, оила бюджетига катталар қаторида маблағ қўшаётган боланинг гап-сўзлари ҳам «каттаради», уйда ота-онаси билан ҳам, харидору мижозлар билан ҳам тенгқурлардек муомилада бўлади, ўзига ўхшамаган тенгдош-синфдошларини менсимайди, камситади. Янги ўқув йилини жисмонан толиққан ҳолда, бозорда кечган олди-қочди таассуротлар билан бошлайди у. Шак-шубҳасиз, ўсмирнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан қувват йиғадиган палласи бозорда кечишини ҳеч қандай сабаб билан ёқлаб бўлмайди.



Кўпчиликда, хусусан, ўсмирларнинг ўзида ҳам, катталарда ҳам, бозорда савдо қилишни эплаган бола келажакда катта тадбиркор бўлиши мумкин, деган нотўғри хулоса мавжуд. Ахир биз кўриб турган ҳол, яъни бозордаги савдо асло тадбиркорлик эмас, савдо-сотиқ иши холоскў! Росмана тадбиркор бўлиш учун энг аввало яхши ўқиш керак.

Ўсмирнинг бозордаги фаолиятини гўёки уни меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш билан изоҳловчилар ҳам топилади. Аслида бу тоифа ота-оналарнинг асл мақсадлари ҳам шу бўлади, албатта. Натижа эса аксарият бутунлай бошқача: бола меҳнат қилишни эмас, осон пул топиш йўлларини ўзлаштиради, жамиятдаги муҳим жараёнлардан ўзи савдо қилаётган бозордаги «олди-сотди»ни, инсоний қадриятлардан мўмайгина даромадни устун қўядиган бўлади. Энг аянчлиси, айрим ота-оналарни ушбу натижа ҳам тўлиқ қониқтирадиганга ўхшайди. Шуни унутмасик керакки, бугунги ўсмирлар нафақат ота-оналари учун фарзанд сифатида, жамиятимиз учун бўлажак фуқаролар сифатида ҳам қадрлидир. Улар ўз шахсининг ҳамда юртимизнинг келажагидир.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНМОҚДА!

Спорт ўйинлари ичида энг оммабопи футбол эканига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Яқиндагина футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўйинларини бутун дунё аҳли, жумладан ўзимиз ҳам катта қизиқиш билан томоша қилдик. Жаҳон чемпионати ўйинларини томоша қила туриб кўпгина юртдошларимиз «Келажакда бизнинг миллий командамиз ҳам дунёда кучлилар қаторида тан олинса эди» дея хаёлидан ўтказган бўлса ажаб эмас.

Ўзбек футболининг довруғини таратиш, уни халқаро талаблар жаражасида шакллантириш учун айни дамда бизда барча шарт-шароит мавжуд: ҳукуматимиз томонидан бу соҳага етарлича эътибор қаратилмоқда, муҳими, ёшларимизнинг бу ўйинга меҳри, иштиёқи баланд. Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан бир неча йилдан буён мунтазам ўтказилаётган, аньанага айланган маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасидаги футбол турнирининг мусобақаларида йилдан-йилга иштирокчилар сонининг ортиши, унинг маҳалла ёшлари ўртасида йилдан-йилга оммалашиб бораётгани ўзбек футболининг келажаги ёрқин, дея умид қилишга асос бўла олади. Ушбу йилдан турнирни ўтказишда ҳамкорлик қилаётган ташкилотлар сафи вазирликлар, жамоат ташкилотлари, халқаро жамғармалар ҳисобига янада ортгани айниқса, қувончли ҳолдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби тадбир ҳозирча дунёда ягона, унинг бошқа бирон мамлакатда ўхшаши йўқдир.

«Футболимиз келажаги» деб номланган турнир мусобақалари авжга чиққан. Маълумки, мусобақалар 9-11, 12-14 ва 15-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида алоҳида гуруҳларда ўтказилади. Ҳар бир маҳалла аҳли ўзининг командаси аъзолари мусобақаларга яхши тайёрланиш, спорт кийими ва жиҳозлари билан таъминланишини хоҳлайди, қолаверса, мусобақаларда аъло даражада иштирок этиб ғолиб бўлишини истайди, албатта. Шунинг учун ҳам ҳар бир маҳаллада футбол командасининг спортча ибора билан айтганда «аъло даражадаги спорт формасида» бўлиши учун барча ҳозирликлар кўрилди. Айни кунларда ёш футболчилар ҚҚР ва вилоят биринчилиги учун куч синашмоқдалар.

Куни кеча эса 15-16 ёшли маҳалла ўсмирлари ўртасида Тошкент шаҳри биринчилиги учун мусобақалар бошланди. Тошкентнинг мавжуд ўн битта туманида ғолиб бўлган футбол командалари икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашадилар.

Хуллас, «Футболимиз келажаги» турнири мусобақалари айни авж паллада давом этмоқда. Бу мусобақалар ҳар йилгидек жуда қизиқарли ва муросасиз ўтмоқда. Чунки юртимизда, фуқароларимиз ўртасида футболга ишқибозлик кучли бўлгани учун командаси ғолиб бўлган ёки республика босқичига чиққан маҳалла учун бу кўрсаткич катта обрў келтирмоқда. Турнир мусобақалари ҳали давом этади. Лекин ҳозирданоқ соҳа мутахассислари бугун «Футболимиз келажаги» турнири мусобақаларида иштирок этаётган ўсмирлар орасида ўзбек футболининг довруғини дунёга ёядиган футбол юлдузлари етишиб чиқишига ишонч билдирмоқдалар. Демак, «Футболимиз келажаги» турнири ўзбек футболининг келажак сари қўйилган собит қадами бўлиб хизмат қилади.

Аброр БЕРДИЕВ

«Ўйин»дан ташқаридаги ҳолат

ЮТУҚНИ БЕРМАГАЧ...

Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига тушган айрим ариза ва шикоятларда истеъмолчилар кейинги вақтларда урчиб кетган турли лотореялар ва бошқа кўнгилочар ўйинлардан норозиликларини изҳор этишган.

Хусусан, ана шундай ўйинларда қатнашиб, ютуғини ололмаётганлардан бири - Юнусобод туманида яшовчи А.Рисқиев ўз аризасида «Омад қувончи» телелотореясининг шу йил 10 февралдаги 65-тиражида 6451 сўм ютганлигини ва ҳамон ютуқни ололмаётганлигини билдирган. Ушбу шикоят юзасидан «Қувасой воқеа» масъулияти чекланган жамиятига хат юборилди.

Бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳодир Умаровнинг таъкидлашича, «Қувасой воқеа»дагилар ушбу шикоятга эътиборсизлик билан қарашган. Шунинг натижасида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунга асосан масъулияти чекланган жамиятта нисбатан 197250 сўм жарима солинди. Жамият раҳбари ҳам жаримадан четда қолмади. Энди у давлат кассасига 19725 сўм жарима тўлайди. А.Рисқиев эса ўз ютуғини оладиган бўлди.

«Туркистон-пресс»

√ Оқсоқол: у ким, қандай одам бўлиши керак?

ХОЛБОЙ РАИС ХОЛ ҚЎЙДИ...

2001 йилнинг 18 январ куни тоғли Деҳқонобод туманида зилзила рўй берди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ўша йилнинг 15 мартидаёқ ер қимирлашидан зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бир томондан вилоят ҳокимлигию, иккинчи томондан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасидан вакиллар келишди. Махсус комиссия иш бошлади. Ҳар бир хонадон кўздан кечирилди. Аҳвол синчиклаб ўрганилди. Далолатнома тузилди. Хуллас, 143 хонадонга 14 миллион 148 минг бепул қурилиш материаллари бериладиган, 256 кишига эса 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди. Аэродром маҳалласи аҳолиси ҳам бу имтиёздан четда қолмади. Айрим хонадонларга бепул қурилиш материаллари, яна бировларга имтиёзли кредит берилди. «Ноғора тўйдан кейин чалинди». «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деганларидек, «Ошхонамнинг томи дарз кетди», «Томнинг тарнови тушиб кетди» деб ёлғондан даъво қилувчилар кўпайиб кетди ва не ажабки, улар ҳеч иккиланмай ёрдамга муҳтожлар рўйхатига тиркалди. Ҳатто маҳалланинг қаердалигини билмаган баъзи «жабр чеккан»ларга ҳам ҳиммат кўрсатиладиган бўлинди. Бу адолатсизликка чидай олмаган фуқаролар бугун ҳокимиятга, эртага прокуратурага, индинга оммавий ахборот воситаларига шикоят хати йўллай бошлашди. Ва бу ҳол бугунгача давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

* Академик бўлса ҳам оқсоқолни жуда ҳурмат қиларди...
* Ҳақни демадингиз, раис!
* Жамғарманинг ери бўлса, маблағи ҳам бўлади-да!

3-САҲИФАСИДА

* «Ҳасан батракнинг гижингламаган оти отамники эди...»
* Бувижон, борлигингиз яхши экан!
* Посбонларни жиддий синов кутмоқда.

4-САҲИФАСИДА

* Жўрабек додхоҳ жанг қилган ва ...китоб ёзган экан!
* «Онам нега опамникида қолмади?..»
* Мотурудий мероси дурдонаси.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Қабулхона – 136-53-93.
Тел/Факс: – 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75

ЖУДА БУЮК ВА КАМТАР ШОИР ЭДИ. ЗАРАР КЎРГАН ЧЕТДА ҚОЛИБ... ЯХШИ ОҚСОҚОЛЛАР КЎП. МАҲАЛЛАГА ЙОНДОШГАНЛАР

ҲАЛҚАРО ХАБАРЛАР

САЙЁҲЛАР ҚАМАЙГАН

Халқаро туризм ташкилотининг Би-Би-Си мухбирига берган маълумотига кўра, ўтган йили дунё бўйича саёҳат қилувчилар сони сезиларли даражада камайган. Бу айниқса Жанубий Америка, Яқин Шарқ мамлакатларида қузатилган. Фақат Хитойга ташриф буюрган сайёҳларнинг миқдоригина олти фойизга ортган.

МАНФААТ УЧУН...

Афгонистонга ташриф буюрган Американинг масъул ҳарбий кишиси Пол Вульфович океан ортидан келган аскарлар бу ерда вазият талаб қилгунга қадар туришлари мумкинлигини, Босниядан фарқли ўлароқ бу ерда АҚШнинг сиёсий манфаатлари борлигини айтган.

БЎҲРОН ЧУҚУРЛАШМОҚДА

Мана бир неча ойдирки, Туркияда сиёсий бўҳрон давом этмоқда. Куни кеча мамлакат бош вазири Г.Эжевет коалицион ҳукуматининг етти аъзосига истеъфо берган. Сал илгари бош вазирнинг ўринбосари ва бир қанча вазирлар ҳам ҳукуматдан чиққан эдилар. Бу ҳол ҳукуматнинг фавқулодда йиғилишини биринчи сентябрда чақиришга сабаб бўлган. Афтидан Туркияда парламент сайловлари муддатидан илгарироқ чақириладиганга ўхшайди.

ПРЕЗИДЕНТ ИМЗО ЧЕКДИ

Қозоғистон президенти Н.Назарбоев мамлакатда фаолият кўрсатадиган сиёсий партияларни рўйхатга олиш тўғрисидаги парламент тақдим этган қарорга имзо чеккан. Ушбу қарор ўз сафларида 50 минг аъзоси ва республиканинг ҳамма областларида бошланғич ташкилотларга эга бўлган тақдирда сиёсий партия сайловларда қатнашиши ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши мумкинлигини кўзда тутади. Ҳозир мамлакатдаги 19 партиядан фақат президент томонидаги ўта ва коммунистлар партиясигина шунча аъзога эга.

215 КГ ОҒУ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тожикистон ҳудудларини кўриқлаётган Россия аскарлари кеча Панж дарёсини кечиб бу томонга ўтаётган бир гуруҳ бузғунчиларни сезиб қолишган ва ўртада отишма бошланган. Натижада чегара бузувчилардан тўрт нафари отиб ўлдирилган. Қолганлари эса орқага Афғонистон томонга қайтишга мажбур бўлганлар. Чегарани бузувчилар олиб ўтишмоқчи бўлган 215 кг героин қўлга киритилган. Бундай катта миқдордаги гиёҳванд модда шу чоққача ушланмаган эди. Умуман чегарачилар шу йил бошидан бери бир тоннага яқин наркотик моддаларни мусодара қилишга эришишган.

МУТАХАССИСЛАР ЧАҚИРИЛДИ

Туркманистон президенти С.Ниёзов Украиналик нефть мутахассисларини чақирган. Мамлакатга таклиф этилган бу мутахассислар Амударё қирғоғидаги янги нефть конларини ўзлаштириш лойиҳасини тайёрлашда иштирок этадилар.

ҒАФУР ҒУЛОМ
маҳалла жонкуяри эди...

Академик шоир Ғафур Ғуломнинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ хотираларни китобларда кўп ўқиганмиз, давраларда кўп эшитганмиз. Билишимизча, бу инсон маҳалла ҳаётига ҳам аралашиб, аксар пайтларда ҳокисор ва содда инсонларнинг дардига қулоқ тутган, уларга астойдил кўмаклашган ҳам экан. Маълумки, у даврларда маҳаллалар ҳозиргидек эътиборга, нуфузга эга эмасди. Лекин, барибир маҳалла ҳаёти, маҳалла тарбияси бу ерда яшовчи ҳар бир инсоннинг тақдирида муҳим ўрин тутади. Шундай экан, академик шоиримиз маҳалласи аҳлига қандай муносабатда бўлган? Олим ана шу хусусдаги хотираларини газетамиз ўқувчилари диққатига ҳавола этади.

Себзор даҳасидаги Кадиобод маҳалласида ўсиб улғайганман. Биз Ғафур Ғулом оиласи билан девор-дармиён қўшни турардик. Дадам - Мирзаабдулло маҳсум Ғафур ака билан оға-инидек дўсту қадрдон эдилар. Дадамнинг айтишларига кўра, урушдан илгариги йилларда Кадиобод маҳалласи ғоят серфайз, кўркам ва қут-барақали экан. Ёз кунлари кўчалар супуриб-сидирилар, сўнгра сув сепиб салқинлатилар экан. Кечқурун бўлди дегунча, эркаклар ораста кўча бўйларидаги ўриндиқларга чиқиб ўтиришар, ўзаро ҳазил-хузуллар, аскиялар ва айтишувлар ярим кечагача авж оларкан. Қиш мавсумида эса, хонадонларда гап-гаштаклар бўларкан. Никоҳ ва суннат тўйлари эса ўзбекона, алоҳида файзу тароват ила ўтказилиб, ёр-ёрлар, ўйин-кулгилар то эрта саҳаргача давом этаркан. Дадамнинг айтишларича, маҳалладаги деярли барча маросимларда Ғафур ака билан маҳалла раиси бош-қош бўларканлар. Маҳалла раисининг обрў-эътибори ниҳоятда баланд, шу маҳаллада яшовчи барча одамлар унга қулоқ солар, бўйсунар экан.

1950-йилнинг баҳор кезлари эди. Мен ўқишдан қайтаётиб, маҳалламиз кўчасида Ғафур акани учратиб қолдим. Шоир бизнинг ҳовлига, дадамни кўргани бормоқчи эканлар. Саломлашиб бирга-бирга кетдик. Ғафур ака ким кўринса, биринчи бўлиб саломлашар, ҳол-аҳвол сўрардилар. Маҳалла раиси биз томонга келаётганини кўрдик. Ғафур ака раисга пешвоз чиқиб ҳурмат билан салом бердилар. Ўзаро хайрлашувдан сўнг биз тор кўчага, уйимиз томон бурилдик. Ғафур аканинг ўта такаллуфи, ҳокисорлиги, раиснинг сал каландимоғлиги менга эриш туюлди. Ғафур акага гап қотдим: «Сиз улуғ адиб, академик шоир, эл-юрт ардоқлаган инсонсиз. Акром ака эса бор-йўғи маҳалла раиси. Кадиободдан нарига ўтса, уни ҳеч ким танимайди. Намунча унга қуллуқ қилмасангиз?» Ғафур ака менга бир қараб қўйиб, сўнг шундай дедилар: «Ўғлим, маҳалла барчамизнинг оиламиз, оқсоқол эса бу даргоҳнинг отаси. Маҳалланинг фуқароси ўз отасини қандай ҳурмат қилса, раисга ҳам шундай иззат кўрсатиши керак! Мени Ғафур Ғулом қилган, яхши-ёмон кунларимга яраган шу маҳалла бўлади. Бу ердаги меҳр-оқибатли, кўнгли, дили пок, камтару камсуқум кишилар менга илҳом берган, асарларим яратилишида туртки бўлган. Маҳалламизда илгари бадавлат кишилар кўп бўлган, Тошкентда номи чиққан собиқ бойбоёнлар шу ерда яшардилар. Баъзи бойваччаларнинг алоҳида улфатчилиги бўларди. Ғафур акани шу бойваччалар даврасида кўп маротаба кўрганман. Миямизда шўролар даврида бой бўлган одамга нисбатан нафрат тушунчаси мавжуд эмасми, Ғафур аканинг бу одатидан ҳайрон бўлиб сабабини сўраганим эсимда. «Ақлсиз, уқувсиз, дангаса ва нодонлардан бой чиқмайди,- дер эдилар Ғафур ака, - тўғри, зиқна-қурумсоқ, ноинсоф бойваччалар ҳам бўлган. Бундайлар Кадиободда йўқ. Булар элсевар, камбағалпарвар ва маърифатпарвар. Улар етимесирлар бошини силаган, муҳтожларга ош-нон улашганлар, мактаблар, мадрасалар очиб, йўл-кўприклар қурганлар.»

Ғафур ҒУЛОМ оиласи. (Архив.)

Маҳаллада Ҳусан ака исмли ўта камтар, ҳокисор инсон бўлардилар. Кексайган чоғларида кўча супуриб, қоровулчилик қилиб тирикчилик қилардилар. Қувноқ, ҳазилкаш эдилар. Ғафур ака билан ўзаро ҳазил-мутойиба қилишар, маҳалладошлар эса мириқиб эшитардилар. Кунлардан бир кун Ғафур ака Ҳусан аканинг илгариги касб-корини суриштирибдилар. Ҳусан ака бор ҳужжатларини кўрсатибди. Улардан маълум бўлишича, Ҳусан ака бир пайтлар биринчилар қаторида паравоз ҳайдаган эканлар. Бу сирни ҳеч кимга айтмаганлар. Сирдан воқиф бўлган Ғафур ака идорама-идора юриб, Ҳусан аканинг обрўсини кўтарган эканлар. Аллома шоиримиз ана шундай ҳотамтой, камбағалпарвар ва саховатли эдилар.

Энди билсак, Ғафур аканинг барча гаплари, панду насиҳатлари бари ҳикмат экан. Илм-маърифатли бўлишимизда, эл-юртда обрў-эътибор қозонишимизда маҳалланинг таъсири беқиёс экан. Кадиободда ўтган умримни сарҳисоб қилсам, инсон қадри, меҳр-оқибат, одамшинавандалик, одоб-ахлоқ, инсоф-диёнат, орномус, ибо-ҳаёнинг манбаи маҳаллада экан.

Гўзал ва файзли маҳаллаларда Ғафур Ғулом, Ойбек, Аброр Ҳидоятов, Тўйчи Ҳофиз, Юнус Ражабий каби буюк инсонлар униб-ўсганлар, вояга етганлар ва машҳур бўлганлар.

Маҳалла тарбиясининг афзал жиҳатларини шундан ҳам билса бўлади. Кейинги йилларда Президентимиз маҳаллалар фаолиятига катта ишонч ва эътибор билан қарамоқда. Эҳтимол, мана шу эътиборнинг ўзиёқ маҳалла тарбиясини олган, дунёга таниқли мард ва танти зиёлилар етишиб чиқишига имкон яратар. Иншоллоҳ.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
шарқшунос олим,
журналист.

ТАДБИР

Пойтахтимиздаги Аброр Ҳидоятов номли театр биносида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳудудий тиббий бошқармаси ва туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ҳамшира 2002» танлови ўтказилди.

Белашувда қатнашган 9 нафар ҳамширалар зукколик ва дилбарликда, билимдонлик ва ҳозиржавобликда, назокат ва ибода бир-бирларидан асло қолишмади. Шундан бўлса керак, ҳакамлар ҳайъати аъзоларига бешта босқич

ОҚХАЛАТЛИ ЗУККО ҚИЗЛАР

шартлари бўйича ғолибларни аниқлаш осон кечмади.

- Очиғини айтганда, қизларимизнинг танловга шу қадар пухта тайёргарлик кўрганликлари биз учун кутилмаган ҳол бўлди,- дейди ҳайъат раиси таниқли шифокор С.Баҳриддинов. - Уй юмушларидан, ишхонадаги хизматдан ортиб, театрлаштирилган саҳна кўринишлари тайёрлаш ва қўшиғу рақс ўрганишнинг ўзи бўладими. Улар касб маҳоратини намойиш этибгина қолмасдан, актёрлик, қўшиқчилик каби санъат турларини, пазандалик сирларини ҳам яхши билишларини исботлашди. Айниқса, Қарияларни қадрлаш билан боғлиқ бадиий саҳна кўринишлари жуда таъсирчанлиги, тарбиявий аҳамияти билан ажралиб турди.

Ғолиб ҳамширалар Дилором Ҳакимова (1-ўрин), Дилором Акбарова (2-ўрин), Дилноза Мирзаева, Наргиза Қорабоева (3-ўрин) ҳомийлар томонидан совға-саломлар билан тақдирландилар.

Фазилат ЁДГОРОВА.

Ўт емайди бузоқчам

Оқсоқол: у ким, қандай одам бўлиши керак?

ХОЛБОЙ РАИС ХОЛ ҚЎЙДИ...

(Давоми.Боши 1-бетда.)

Хўш, кўзингизга тик боқиб, куппа-кундуз куни оғзингиздагини юлиб олсалар, «нонингизни туя» қилсалар аҳоли нима қилсин? Юқори ташкилотларга югуриб-елади, раҳбар деганига ялиниб-ёлборади, шикоят хати йўллайди-да яна баландроққа!

Келинг, аэродромликларнинг гап-сўзларига қулоқ тутайлик:

- Ҳукуматимиз биздек зилзиладан озор чекканлар учун маблағ ажратган. Биздаги мутасаддилар наҳотки буни бизга раво кўрмаса, - дея нолийди касаллиги туфайли нафақага чиққан Ҳайитбой Мерганов.

Саккиз фарзанднинг отаси Ҳайитбой ака ҳам зилзиладан зарар кўрган кўплар қатори тегишли ташкилотлар, комиссияларга, маҳалла фуқаролар йиғинига ёрдам сўраб мурожаат этди. Лекин «Аризани вақтида ёзиш керак эди» дея унга қиё боқишмади. Аммо унинг билан бир кунда ариза ёзган Пардахол Кенжаева ёрдамдан қуруқ қолмади?! Тоштемир Менглиев ҳам аҳволи ногиронлигини айтиб ёрдам сўраб бир эмас, икки-уч бор мурожаат этди. Афсуски...

- Биздек бечораларга йўл бўлсин, ёрдамни вазифадорлар олишади, - деб гина қилади Тоштемир ака.

Аввалига, бу одам бироз ошириб юбормаяптимикан, деб ўйладик. Аммо бундай аччиқ таъналарнинг боиси йўқ эмас экан. Маҳалла оқсоқоли Холбой Тоғаев, фуқаролар йиғини котиби Дилмурод Дониёров, маҳалла посбони Фарҳод Дониёровларнинг зилзиладан қанчалик озор чекканликларини билмадигу, аммо улар ёрдам олишди. Нима, бу ўринда булоқнинг бошидагилар кўпроқ сув ичади, қадикорлар сизга ойдек равшан. Чўли Умберов, Бахтиёр Бердиевларнинг бу маҳалладаги йўқ уйлари зилзиладан шикаст еганига нима дейсиз? Панжи Омонов билан Ирис Сариевларни қаердан танийсиз? Ахир бундай кишилар бу маҳаллада яшамаслигини сиз билмасангиз, ким билади? Нега улар шу маҳалла яшовчисси бўлиб ёрдам олди. Деҳқонободда шу можаролар нега тинчимаяпти? Ҳамон ҳар томонга шикоят хатлари йўлланаяпти. Чунки масала адолатли ҳал этилиб, айбдорларга нисбатан охирги сўз айтилмаяпти. Нима бўлганда ҳам, Холбой Тоғаев оқсоқол деган номга номуносиб иш қилди. У аввало «Йиқилганда суянчиғимиз бўлади, йўғимизни яшириб, боримизни оширади», деб не умидлар билан сайлаган маҳалла аҳолисининг ишончига путур етказди.

«Маҳаллада ўзи бўлмаган уйларнинг шикаст еганига нима дейсиз, оқсоқол?»

Давлат эл ҳимоясига ажратган маблағларни зарар кўрганлар корига яратмай ҳар томонга сочиб, қолаверса, республика Вазирлар Маҳкамасининг жуда қимматли, нуфузли қарорига зид иш қилди. Бунга наҳотки туман мутасаддилари одатдаги ҳол деб қараб, бирор чора қўллашмаса?..

Қашқадарё. К.НОСИРОВ

ЖАМҒАРМАНИНГ ИҚТИСОДИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ғаллаорол тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлинмаси жамоаси тумандаги маҳаллаларнинг тўлақонли фаолият юргизишини йўлга қўйишга оид режаларини амалга ошириш учун бўлинмани иқтисодий томондан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Ҳозирги кунда жамғарманинг ҳисоб рақамида 4 миллион сўм маблағ бор. Бу кўрсатгич янада ошади. Сабаби, жамғарма учун ажратилган 5 гектар сувли, 55 гектар лалми майдонларда бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди.

- Суғориладиган майдонлардан 40 центнердан, лалми майдонлардан 16 центнердан ҳосил олмоқдамиз, - дейди маҳалла бўлинма раиси Саид Файзуллаев. - Кам деганда 3 миллион сўм даромад оламиз. Бу маблағни маҳаллаларимиз ҳудудларида ишлаб чиқаришни ташкил этишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, бир қисмини эса эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфлаймиз. Томорқа оилага даромад келтирадиган асосий имконият. Биз оилаларнинг ўз томорқаларидан қанчалик иқтисодий самара олаётганларини таҳлил этиш учун ҳар бир хонадонда бўлдик. Кўча оқсоқоллари ўз жамоаларига кўрсатмалар беришди. Бугунги кунда ҳар битта хонадон имкони борича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариб, ортиғини бозорга чиқараяпти. Чорва молларини парвариш қилишаяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини жойлардаги кўча оқсоқолларига таянган ҳолда истиқболда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бутун диққат-эътиборини қаратмоқчи. Бу маҳалланинг мустақиллик шароитида обрў-эътиборининг янада ошишини таъминлайди.

МУХБИРИМИЗ.

Ибрат

Самарқанд вилоятининг Пастарғом туманидаги Қорасув маҳалласи оқсоқоли Мамашариф Дўстқораевнинг айтишича, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам тариқасида 18 ёшга тўлмаган болалари бор 118 нафар оила учун ўтган ойда 1.271.868 сўм тўланди. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 184 та оиланинг яшаш шароити ўрганиб чиқилиб уларга 1.233.904 сўм маблағ моддий ёрдам тарзида берилди.

Ташаббус сўнмасин...

Бу дарёдан томчидек гап, албатта. Энг муҳими, кўпчиликни боқимандалик кайфиятидан холос этишдир. Шунинг учун меҳнатга яроқли, лекин ишсиз юрган кишилар «Машъал» ширкатлар уюшмаси таркибидаги 32 та деҳқон-фермер хўжаликларига жалб қилинган. Кўпчилик эса алоҳида-алоҳида фермер хўжалиги ташкил қилиб фаолият кўрсатмоқда. Шу тариқа меҳнат қилганнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон.

Алоҳида таъкидлаш керакки, озодлик, ободончилик маҳаллага яраши қли иш. Шу йилнинг баҳоридаёқ, қаровсиз ётган 40 сотих майдон обод қилиниб, турли гул кўчатлари ўтқазилди, 3600 дона терак, 1050 дона тол, 2500 дона манзарали дарахт ниҳоллари экиб парваришланмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган 4 та умумтаълим мактаблари таъмирланиб янги ўқув йилига шай қилиб қўйилган. Аҳолига маиший савдо хизмати кўрсатувчи 4 та дўкон, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш устахонаси, «Капалак» болалар боғчаси ишидан мамнун.

- Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида маҳалламизда бичиш-тикиш цехини очмоқчимиз,- дейди оқсоқол суҳбат давомида. - Бино бор. Уни хотин-қизларимиз ўзлари бинойидек қилиб таъмирлашяпти. Энг муҳими чеварларимиз ўз уйларидаги тикув машиналари билан келишади. Биз эса уларни рўйхатга олиб керакли шарт-шароитларни яратиб берамиз. Шу тариқа яна 50 нафар хотин-қиз иш билан таъмирланади.

Ҳа, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, ҳеч бир кишида ташаббус сўнмасин. Зеро, ташаббус одамларни фақат илгарига етаклайди. Буни Қорасув маҳалласи аҳли яхши билишади.

Абдураззоқ ТУРДИЙ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Маълумки, маҳалла тинч ва осойишта бўлса, эл-юрт хотиржам яшайди. Бу борада оқсоқол зиммасида ҳам анча-мунча масъулият бор. Маҳалла посбонлари билан ишлаш, ўсмирлар тарбиясини яхши йўлга қўйиш, маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиш сектори дастурий режаларининг бажарилишига оқсоқол бош-қош бўлиши керак.

Мен зиммамга юкланган ана шундай масъулиятни имкон қадар адо этиш учун ҳаракат қиляпман. Маҳалла фаоллари ва жонкуярларининг маслаҳату мададига таяниб, шу кунги муҳим масалаларни ижобий ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Маҳаллада бекор юрган ва турли ножоиз хатти-ҳаракатлар содир этаётган ёшлар учрамайди. Оилавий низоларнинг ажримларгача боришига йўл қўймаймиз. Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлашда комиссиямиз етакчиси Тиловат Соатованинг жонкуярлиги сезилиб туради. Ҳусан Мирҳодиевга ўхшаш иқтисодчиларимиз маҳаллада тез-тез ўтказиладиган хайрли тадбирлар учун жон куйдиришади. «Энг обод кўча», «Энг намунали ҳовли», «Энг намунали келин» кўрик-танловларида маҳалладошларимиз қатнашиб, кўпгина совринли натижаларга эришдилар. Ушбу йилда қарияларимизга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг кўнгилларини овлаш, шунингдек, кам таъминланган хонадонларга зарур ёрдамни кўрсатиб боришда ҳамма имконларни ишга солаяпмиз. Хуллас, галдаги режаларимиз улкан. Асосий мақсадимиз - маҳалла ҳаётига тинчлигу фаровонлик олиб киришдан иборат.

Ҳожиакбар АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани
Й.Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли.

Косонсой туманида 75 ўринли фахрийлар санаторийси ишга тушди.

- Мазкур даво масканида йил давомида мингдан ортиқ отахонва онахон бепул дам олиш ва саломатлигини тиклаш имкониятигаэга, - дейди Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоийму ҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳриддин Абдуллаев. -Маз-

КОСОНСОЙДА ФАХРИЙЛАР САНАТОРИЙСИ

кур бинони қуриш, жиҳозлаш ва боғ яратиш учун 400 миллионсўм маблағ сарфланди.

Вилоятимизда истиқомат қилаётган 131 минг 558 нафарнуронийнинг аксарияти диспансер кўригидан ўтказилди.Даволанишга муҳтож бўлган қария ва ногиронлардан 448 нафарисанаторийларда, 234 нафари профилакторийларда саломатлигинитиклади. Диспансер кўригидан ўтказилган қария ваногиронларни 30 миллион сўмлик дори-дармон билантаъминладик.

Иномжон УЛУҒБОЕВ.
(ЎзА)

«Қарияларни қадрлаш йили» Дастури амалда

ОНАХОНЛАРГА ОҚ РЎМОЛ ЯРАШДИ

«Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманининг Дўстлик маҳалласида «Сочингиз кумуши муқаддас» дея чиройли номланган тадбири бўлиб ўтди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган «Роҳат бурчаги» хусусий ошхонасининг гулларга бурканган сўлим ҳовлисида ташкил этилган тадбирга маҳаллада истиқомат қилувчи онахонлар таклиф қилиндилар. Улар орасида ўқитувчилар, тарбиячилар, тикувчилар, тиббиёт ходимлари бор эдилар. Албатта, улар қайси касб эгаси бўлмасин халққа, ёшлар тарбиясига меҳнати сингган, маҳалла ҳаётида алоҳида ўрни бўлган инсонлар эдилар. Тўкин дастурхон атрофида дийдорлашиб, суҳбатлашиб ўтирган онахонларга туман ҳокимлиги, туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлинмаси томонидан ҳозирланган совғалар, оқ рўмоллар яраши б тушди.

- Биз бежизга тадбирнинг номини «Сочингиз кумуши муқаддас» деб атамадик. Бу бор-йўғи баландпарвоз сўзлар эмас, бу айни ҳақиқат. Бу онахонларнинг ҳаммаси шу эъзоз-эътиборга лойиқ инсонлар. Уларнинг уруш йилларида фронт ортидаги, тинчлик йилларидаги бунёдкорлик ишлари, ёшларни тарбиялашдаги хизматлари олдида бош эгсак арзийди. Устига-устак, уларнинг сочлари ҳаётнинг паст-баландида, қувончу ташвишларида оқарган, шунинг ўзи қанча эъзозга лойиқ, - дея таъкидлайди туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Райхоной опа ТЎРАҚУЛОВА.

Дўстлик маҳалласига 15 йилдан бери оқсоқоллик қилиб келаётган Мукаррам опа Исломова эса маҳалла аҳлининг кўпмиллатли бўлишига қарамай жуда аҳил эканлиги хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

ИСЛОҲОТ - ИНСОНЛАР УЧУН

ОДАМЛАР ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Шаҳримиздаги маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа боғлаганимиз аҳолини ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлаш имконини бермоқда. Бўлимимиз ўз йиғилишларига маҳалланинг кўча оқсоқолларини ҳамиша таклиф этади, уларнинг ҳам таклифларини бажаришни назоратга олади. Бу эса белгиланган тадбирларни амалга оширишда қўл келмоқда.

Яқинда «Олмазор» деҳқон бозорида шаҳар Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлимининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркани ўтказишдан мақсад аҳолини ишга жалб этиш, ўқитиш, корхоналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат эди. Натижада кўпчилик ҳамшаҳарларимиз доимий иш билан таъминланди. Жамоат ишларига жалб этилди, касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишга юборилди. Бундай меҳнат ярмаркалари йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказиляпти. Тадбирларни тайёрлаш ва уни ўтказишда шаҳар маҳаллаларининг кўча оқсоқоллари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бизнинг шаҳримизда 32 та маҳалла бор. Мана шу маҳаллаларда 5 та меҳнат инспекторлари фаолят кўрсатмоқдалар. Уларга ажратилган махсус хоналарда меҳнатга лаёқатлилар, вояга етмаганлар, ишга муҳтож кишилар билан шуғулланадилар. Кўча оқсоқолларидан тузилган гуруҳ аъзолари хонадонларда бўлишиб, кишилар билан суҳбатлашиб, уларнинг талаб ва истакларини, фикрларини ўрганмоқдалар. Шу асосда аҳолини меҳнат билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга ошираяптилар. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай иш шароитлари яратишга имкон бермоқда. Бу ишларда маҳаллалар ва кўча оқсоқоллари бизга кўмакдош ва таянч бўлишмоқда.

Бизнинг маҳаллаларимизда кишиларни иш билан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар жуда кўп. Улар билан ҳамкорликда ишлаб, аҳолини иш билан таъминлаш борасида бирмунча ютуқларга эришдик.

Тоҳир САИДХОНОВ,
Жиззах шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

ПОСБОНЛАР ШАҲОДАТ СИНОВИДАН ЎТАДИ

йил бошидан буён 1500 дан ортиқ жиноий ҳаракат маҳалла посбонлари ёрдамида аниқланди

Бугунги кунда маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, ҳуқуқбузарлик кўринишларининг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда маҳалла посбонлари профилактика инспекторларига яқиндан туриб кўмаклашишмоқда.

Республика Ички ишлар вазирлигининг яқинда бўлиб ўтган Ҳайъат йиғилишида ҳам жойлардаги «Маҳалла посбони» тузилмаларининг сардори ва аъзолари фаолиятига баҳо бериб ўтилди. Айниқса, ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш, илдизини ахтариб топиш ва жиноятларни очишда уларнинг кучи ва мададига таянилмоқда. Йил бошидан буён 1500 дан зиёд жиноий ҳаракатлар маҳалла посбонлари ёрдамида аниқланиб, уларнинг бевосита ёрдами туфайли 560 та жиноятлар очилган. Ҳуқуқбузарлик кўринишлари тўғрисида 8600 дан ортиқ хабарларни маҳалла посбонлари ўз вақтида етказиб улгурдилар. Бу хабарларнинг 4714 таси ноқонуний равишда маҳаллада истиқомат қилаётган шахслар тўғрисида, 1821 таси номаълум сабабларга кўра узоқ муддат уйига келмаётган ёки ўз уйида яшамаётганлар тўғрисида, 696 таси қўшмачилик билан шуғулланаётган шахслар тўғрисида, 222 таси содир этилиши мўлжалланаётган жиноятлар тўғрисидадир.

Посбонлар иштирокида 11700 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, бунда 21668 та ҳуқуқбузарлик кўринишлари, 4106 та ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар, 3829 та оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарлик ҳолларини содир этувчилар аниқланди. Маҳаллаларда пайдо бўлган нотаниш ва бемақсад кишиларнинг аниқланаётгани эса баъзи майда безориликларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Бироқ, айтиш керакки, маҳалла посбонлари орасида ҳам ножўя хатти - ҳаракат содир этувчилар, ҳатто ўз вазифасини суиистеъмол қилувчилар учраб турибди. Ҳайъат йиғилишида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари ва сардорларини шаҳодат синовидан ўтказиш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Шу муносабат билан Республика Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда Қўшма қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари ва сардорларини шаҳодат синовидан ўтказиш бўйича Услубий қўлланма тайёрлаш, посбон ва сардорларни шаҳодат синовидан ўтказувчи шаҳодат комиссияси таркибини тузиш, синовни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланиб, унинг ижросини таъминлаш тегишли идоралар зиммасига юклатилди.

Бу тадбирнинг кенг қамровли ўтказилишига эришиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятларнинг туман,-шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳамда Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг туман,шаҳар бўлинмалари раҳбарлари шаҳодат комиссияси таркибига киритилди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг фахрийларидан бир киши, туман ёки шаҳардаги энг намунали маҳалла раисларидан бир вакил қатнашиши кўзда тутилган.

Маҳалла посбонларининг маҳалладаги ёшлар билан ишлаши, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчиларга муносабати, энг муҳими, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги кўмагини холис баҳолаш мақсадида туман,шаҳар ҳокимиятлари ҳузуридаги «Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари»нинг масъул котиблари ҳам комиссия таркибига киритиладилар.

Шаҳодат синовида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари ва аъзоларининг ички ишлар идоралари ходимларига нечоғли ёрдам кўрсатаётгани ёки бунга ноқобиллиги, билими, дунёқараши, миллий истиқлол мафкурасини қай даражада тушуниши, ҳуқуқий савияси, муомала маданияти, ҳатто маҳалладаги тадбирларни уюштиришдаги ташкилотчилиги каби жиҳатларга эътибор қаратилади.

Шунингдек, Услубий қўлланмада посбон ва сардорларнинг Низомда белгиланган вазифаларнинг ижросини қандай таъминлаётганлиги ва ўз хизмат фаолияти бўйича профилактика инспекторлари ва маҳалла оқсоқолларидан олинган маълумотномаларсиз синовга қўйилмаслиги ҳақидаги талабнинг мавжудлиги ҳам синовнинг жиддий тарзда ўтказилишини таъминлайди. Қаердаки тинчлик ҳукмрон бўлса, ўша жойда хотиржамлик ҳам бўлади. Эл-юрт осойишталигини сақлашда биз маҳалла посбонлари кучига таянмоқдамиз ва бу нарса ўз ижобий самараларини бермоқда. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ходимларининг ҳамиша сергак ва жонкуярликларини эътироф этган ҳолда, ўтказилган синов уларнинг вазифаларига бўлган масъулиятни янада оширади деб умид қиламиз.

Абдужаббор АБДУНАБИЕВ,
ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Ахборот ва таҳлил



2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Оила фахри

УЙИМИЗ фариштаси экан

Баъзи одатларимни эслаб, энди бувижонимни сира ранжитмасликка ўзўзимга сўз бердим. Негаки, бувим билан бирга уйимиздаги фаришта ҳам кетиб қолгандек эди.

Дарслар тугагач ҳамма ўқувчилар қатори мен ҳам шошиб синфдан чиқдим.

- Нурхон, юр бизнинг уйга борайлик. Дадам менга компьютер олиб келдилар. Ҳар хил қизиқарли ўйинлари ҳам бор, бирга ўйнаймиз, - деб қолди дугонам Зебо.

- Уйдагиларга айтганим йўқ, хавотир олишади, - дея жавоб қилдим.

- Ҳали вақт эрта-ку. Ойинг билан даданг ишдан қайтгунларича бемалол етиб борасан.

«Компьютерни кўраман-у, сўнг тезда уйга қайтаман», - деган ўй билан унга эргашдим.

Компьютердаги бир-биридан қизиқарли ўйинлар мени ҳам тезда ўзига ром этди. Бу орада қанча вақт ўтганлигини сезмай қолибман. Зебонинг онасининг: «Қизим, укангни боғчадан олиб кел, кеч бўлиб қолмасин», деган гапларидан кейин менинг ҳам укам боғчада қолгани-ю, ойимнинг ишдан қайтар маҳали бўлганлигини англадим-у уйга шошдим.

Нима бўлганда ҳам дадам билан ойим ишдан келмаган бўлсинлар, деган хавотир хаёлимни банд этган эди. Кўча бошида бувимни кўрдим. Шоша-пиша «Ойим уйга келдиларми?» деб сўрадим.

- Ҳозир келиб қолар. Ўзинг қаерларда юрибсан? Кута-кута кўзларим тўрт бўлди. Уйда ўтиришга сабрим чидамай кўчага чиқдим-у, кимдан сўрашни ҳам билмай йўлга қараб турибман, болам. Хайрият соғ экансан, - деди бувим.

Хавотир аралаш қорним очганлигини ҳам сезмаган эканман. Бувим олиб келган овқатни кўрдим-у, тушлик ҳам қилмаганим ёдимга тушиб иштаҳа билан овқатландим.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб уйимизга қишлоқда яшовчи амаким келдилар. Бувимга, «Ойижон, кунлар ҳам исиб кетди. Мен сизни қишлоққа олиб кетгани келдим. Набираларингиз ҳам жуда соғинишган, қани тайёргарлигингизни кўринг, кетамиз», - дедилар.

Дарвоза олдида бувим мени бағрига босиб хайрлашаркан, «Нурхон, энди катта қиз бўлиб қолдинг, уйга ўз вақтида келишни одат қил. Укаларингга бош бўлиб ойингга кўмаклашгин», - дея насиҳат қилдилар ва амакимнинг машинасига ўтириб жўнаб кетдилар.

Бироз вақт ўтиб, «Энди мени ҳар доим тергаб турадиган одам қолмади, кўчада мазза қилиб истаганимча ўйнайман», - деб ўйладим. Аммо, қувончим узоққа чўзилмади. Негаки, энди мени мактабдан қайтишимни сабрсизлик билан куталиган, кеч қолсам хавотир олиб йўл бошига чиқиб турадиган одам йўқлиги роса алам қилди. Айниқса, қорним очганида овқат тайёрлаб турадиган бувижонимнинг ўрни билинаётганини сездим.

Нурхон БОЗОРОВА.

БОЙСОАТ БОЙНИНГ боласи

ёхуд етмишдан кейинги умр...

Бодиҳаволик Бойсоатбой давлатманд одам эди. Бухоро амирлигидан унга Керага тоғ этакларидан катта яйлов васиқа қилиб берилганди. Жовпояда бой бобонинг қарийб уч минг бош қўйи, қанча йилқиси ва қора моллари бемалол ўтлаб юрар эди. Октябрь инқилобидан бир неча йил аввал бой бандаликни бажо келтиради. Отаси қазо қилганида Ҳамид тўрт ёшли гўдак эди. Октябрь инқилоби рўй бергач, бой деганнинг шўри қуриди. Бой эмас, ҳаттоки бир жуфт ҳўкизи, жувоз ва тегирмони бор одамларнинг моли талонда, жони азобда қолган эди. Шўро ҳукумати Бойсоат бойдан нимаики фарзандларига мерос қолган бўлса, бари-барини мусодара қилиб олди. Мол кетса майли, энди, инқилоб малайлари жонга ҳам тажовуз қила бошладилар. Бойнинг катта ўғли Пиримқул полвонни поёнсиз Қозоғистон чўлларига сургун қилдилар.

Ҳаттоки батраклар Бойсоатбойнинг кўрпа-тўшак, идиш- товоқларини ҳам ўртага қўйиб ўзаро бўлиб олишди. Бойнинг бевасига эса бир сандал, бир кўрпа иккита кўрпача ва битта ўчоқ... ва яна...уч етим ўғил... ва яна адоғи йўқ маломат қолди. Ҳусан батрак деганлари қишлоққа раис бўлди. Бойнинг ҳовлисидаги бебаҳо жийронни сўраб ҳам ўтирмасдан миниб кетди. Бугун умрининг саксон бешинчи йилини қаршилаётган Ҳамид бобо ўтган кунларни шундай хотиралайди:

- Ҳусан батрак ҳар куни эрталаб жийронимизни ўйноқлатиб миниб ўтарди. От жонивор ақилли-да, уйимизнинг ёнига келгач, икки оёқларини кўтариб кишнар, бизга хабар қилар эди. Шу баравари ҳовлимизга кирмоқчи ҳам бўларди. Ҳусан батрак қўярмиди:отнинг калласига, бўйинларига қамчини аямай тортаверарди. Биз эса бу ҳолдан мутаасир бўлиб изиллаб йиғлайверардик. Худоёр деган ҳамсоямиз бир куни Ҳусан батракка шундай дебди: «Ҳой раис - фаросатинг шу отнинг ақлича ҳам йўқ экан. Агар яна кўчадан от ўйнатиб ўтадиган бўлсанг, ўзингдан кўр!..» Шундан сўнг Ҳусан батрак бизнинг кўчадан ўтишни тўхтатди.

...Баҳор охирлаб, «илик узилди» пайтларга ҳам якун бўладиган кунлар келаётган эди. Бойсоат бойнинг қўли билан экилган марварид тут оппоқ бўлиб пишди. Бойнинг боласи Ҳамид бир куни боғларидаги шу тутнинг тагига тўкилган меваларидан тергилаб еб юрган эди. Шунда Ҳусан батрак болалари, аёли билан бир гилам кўтариб келиб қолди. Худди ўзиникидек тутни қоқа бошлади. Бойнинг кенжаси ҳам тўкилган тутлардан емоққа эгилган эди, Ҳусан батрак чақчайди: «Ҳой, қулоқнинг боласи, торт қўлингни, уриб синдираман!» Буларнинг ҳаммаси, яна акаси Пиримқул полвондан домдарак бўлмаганлиги ҳали ҳам ёдига тушса, Ҳамид бобони йиғлатади...

...30-йилларнинг бошларида Бодиҳавода мактаб очилди. Ҳамид ҳукуматнинг мактабида саводини чиқарди. Бу орада «Саводсизликни тугатиш» мавсуми бошланди. Шу муносабат билан Ҳамид Соатовни ҳам саводли киши сифатида тан олишиб, ўқитувчиликка қабул қилишади. 1937 йилдан эътиборан мактабда ўқитувчилик қила бошлайди.

> Октябрь инқилоби рўй бергач, бой деганнинг шўри қуриди. Бой эмас, ҳаттоки бир жуфт ҳўкизи, жувоз ва тегирмони бор одамларнинг моли талонда, жони азобда қолган эди. Шўро ҳукумати Бойсоат бойдан нимаики фарзандларига мерос қолган бўлса, бари-барини мусодара қилиб олди.

Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетади. 1942 йили Ҳамид Соатов кўплар қатори урушга жўнаб кетади. Урушда бир неча марта яраланди даволаниб, яна жангга кирди.

1943 йил эди. Сталинград мудофааси учун қақшатқич жанглар борарди. Роса ўн икки ой, яъни бир йил давомида иккала оёғи ҳам тахтакачланган ҳолда Уфа шаҳридаги госпиталда ётди.

Собиқ жангчи Ҳамид бобонинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

- Биз ётган палатада бир полковник ҳам бор экан. Кўрсангиз, бир кундадек дейсиз. Икки оёғи ҳам, икки қўли ҳам... кесиб ташланган. Калласи хумдек катта, юзлари қип-қизил. Яна шу билан бир гапиради денг, гаплари бурро-бурро, одамнинг ақли шошади. Кечаси-ю кундузи ёнидан ҳамшира кетмайди. Емакичмагини олдига муҳайё қилиб қўйишган эди. Бир куни унга жавоб берадиган бўлишди. Чунки у даволаниб бўлган эди-да... Лекин у кетишга кўнмади. «Кетмайман» деб туриб оди. Унинг шундай дегани ёдимда: «Уйга борсам, ота-онамга ҳам, хотинимга ҳам бу аҳволда керак эмасман! Яхшиси, мени бир баланд жойдан думалатиб юборинглар, дунёдан кўз юмайин!...» Унинг бу гаплари бутун борлиғимни ларзага солди. Урушнинг қанчалик даҳшатли эканлигини мен шунда такрор сезганман. Хуллас, госпитал раҳбарияти ўзаро келишдилар, шекилли, уни шу ерда қолдиришди.

1944 йилнинг августида жангчи Ҳамид Соатов тузалиб, госпиталдан чиқди. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлди. Таёққа суяниб йўлга тушди. Деновга кириб келди.

Бодиҳаволик жангчи узум растасига кирди. Чунки тоғнинг одамлари бу маҳал узум келтириб сотгувчи эди. Шунда узум сотаётган бир йигит у билан кўришиб, узумни сотиб тугатгач, икковлон йўлга тушдилар.Ҳамид Соатов аввалги касбини давом эттирди. Дастлаб педагогика билим юртини, сўнгра Қарши давлат педагогика институтини тугатди. Қишлоқларда узоқ йиллар тарихдан сабоқ берди. Бодиҳаводаги 37-ўрта мактабда йигирма йил директорлик қилди. Ҳамид бобо раҳматли кампири билан бир этак бола ўстирди. Ўғиллари Бахтиёр ва Бобохонлар отасининг изидан боришмоқда.

Яқинда «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Орзигул Соатов билан гаплашсам, у киши иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари орамизда ниҳоятда камайиб бораётганини айтди. Билган яхши, бохабар бўлган яхши: бодиҳаволик саксон беш яшар Ҳамид бобо Соатов ҳам ана шундай сафи тобора камайиб бораётган заҳматкаш жангчиларнинг, кўпни кўрган донишмандлардан биридир.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.
Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани.

Наманган вилояти

Тадбир

Турмуш юмушларига тайёрмисиз?

Чортоқ туманидаги Алижон қишлоқ фуқаролар йиғинида «Қизларни турмушга тайёрлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

Уни туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси А.Хўжаева олиб борди.

Семинар қатнашчилари Алихон қишлоғидаги 18-ўрта таълим мактабидаги «Қизлар клуби» машғулотида қизларни маънавий, тиббий ва психологик йўналишларда оилавий турмушга тайёрлаш борасидаги ишларни ҳамда «Оила» дорилфунуни фаолиятини ўрганишди.

Шунингдек, бир нечта оилаларда тадбиркорлик бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди ва ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича тадбирлар оммалаштирилди.

Ҳ.ШАРИФБОЕВА,
Чортоқ тумани Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Юрт кездингми, бозоридан гапир

Аъзамжон Тошкентдаги сиҳатгоҳлардан бирида дам олиб қайтган куни оила аъзоларига ўз таассуротлари ҳақида сўзлади. Кўплаб дўстлар орттиргани, шаҳардаги яхши ўзгаришлар... Давра тўрида чордона қуриб ўтирган Пўлат ҳожи унинг гапини бўлди.

- Шошманг, ўғлим, - деди у босиқ оҳангда, - кўрган-билганларингизнинг бари шуми?

- Яна нима бўлсин, ота? - шаштидан тушиб деди Аъзамжон.

- Еган-ичганингиз ўзингизники, нарх-навони гапиринг,- деди оппоқ соқолини силаб ҳожи ота.

- Нимасини гапирай, отажон,- Аъзамжон сўзини йўқотгандай бўлди,- Тошкентда ҳам нарх-наво Деновдан деярли фарқ қилмайди.

- Шундайми? Ўзи Тошкентнинг қайси бозорида бўлдингиз? - сўради Пўлат ҳожи Ҳайит ўғли.

- Бирор нарса ҳарид қилмасам, бозорда нима қиламан, ота? - деди Аъзамжон.

- Йўқ, ўғлим, - деди ота, - юртнинг ободлиги у ердаги бозорнинг тўкин-сочинлиги, нарх-навонинг арзон-қимматлиги билан ўлчанади. Деновнинг довруғи ҳам бозорининг ободлигида. «Кичкина Бомбей» деб ном олиши унинг доимо гавжумлигида. Чорак аср бозорда ишладим. Оддий паттачи эдим. Шу иш орқасидан обрў-эътибор қозонганман.

Бозордаги маҳсулотнинг кўплиги, юртнинг фаровонлигидан дарак беради. Қайси шаҳарда бўлманг, бориб бозорини кўринг, нарх-навосини суриштиринг, ўғлим.

Ҳожи отанинг сўзлари туртки бўлди шекилли, биз ҳам Денов бозорларини кўздан кечирдик. Мана, азим шаҳар марказидаги «Бободеҳқон» бозоридамиз. Бозорнинг бир тарафини кичик тадбиркорлар эгаллаган. Маҳсулот турлари кўп. Асбоб-ускуна, анжом, иш қуроллари. Бари рўзғорга асқотади. Уларнинг қаторидан тижоратчилар ўрин олган. Улар сотаётган маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон. Маҳаллий ҳамда қўшма корхоналарда, хорижда ишлаб чиқарилган рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар. Нархи ҳам унча баланд эмас.

Бозорда яна бешта бўлим мавжуд. Ҳўл мева, қайта ишланган қуруқ мева маҳсулотлари, сабзавот, дон ва гуручлар алоҳида-алоҳида расталарда жойлаштирилган.

Одам кўп, маҳсулот сероб бўлса ҳам бозор майдонлари тоза, расталар озода. Хўш, бозордаги тартиб, саранжом-саришталикнинг боиси нимада? Бу саволимизга жавоб аниқ. «Бободеҳқон» бозори бошқаруви раиси Зиёдулло Алимардонов кўп йиллик тажрибага эга. Иш юритишнинг кўзини яхши билади. Боз устига ходимларга нисбатан талабчан. Ўзи ҳам ишлайди, ишдан бўйин тоблаган кишини хуш кўрмайди. Бозор ҳудудини қадамба-қадам кезиб чиқади, қоровуллар, фаррошлар ишини кўздан кечиради. Супурилмаган, чиқиндиси олинмаган, бир қарич ҳам жой қолишига йўл қўймайди.

Деновда бозорлар сони ҳам кўпаймоқда. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги шарафига ишга туширилган Гулзор савдо маркази шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Чунки бозор дарё ёқасидаги қамишзор ўрнида, ташландиқ ер обод қилиниб бунёд этилди. Унинг ташкилотчиси Деновнинг етакчи тадбиркорларидан бири Ҳабибулло Нормуродов бўлди. 32та дўкон, 340та савдо ўрнига эга бўлган бозор қурилишига нақ 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 28 ишчи ўрни яратилди. Айниқса тижоратчиларнинг бўлди мушкули осон кўчди. Бу пайтгача улар муқим бир савдо қилиш жойига эга эмас эди.

Омон ШУКУР, «Mahalla» мухбири

ОЛАМ ТУРФА

ЎЗ АКСИНИ КЎРИБ

Ретер агентлигининг хабар беришича Финландиялик етмиш беш яшар кампирнинг уйига уч юз кг. келадиган бугу боласи кириб қолиб, хонадаги қимматбаҳо шкафни каллалай бошлаган.

Маълум бўлишича бу ҳайвон ялтироқ мебелда ўз аксини кўриб қолиб шундай талвасага тушган. Полиция ва ҳайвонларни қўриқлаш жамиятининг маҳаллий ходимлари бу телба ҳайвонни ташқарига чиқаришлари учун тўрт соат вақт кетди. Шунда ҳам полициячилар ҳайвонган хушидан кетказадиган ўқ отиб бунга эришдилар ва уни яқин орадаги ўрмонга олиб бориб қўйдилар. Бу воқеа оқибатида хушидан кетган кампирни эса касалхонага жойлаштиришга тўғри келди.

ОЁҒИ ЯСАМА БЎЛСА ҲАМ

Япониянинг Акита шаҳридаги ҳайвонот боғидаги Тайо исмли жирафани оёғини операция қилиш лозим бўлиб қолди.

Бундай амалиётни ўтказишига 9 ойлик жирафани зебранинг туғиб кетиши натижасида оёғи синганлиги сабаб бўлди. Бу ҳайвонни сақлаб қолиш учун оёғининг қуйи бўғинидан кесиб ташлашга тўғри келди. Кесиб ташланган жойига резина ва бамбук ёғочдан қилинган ясама аъзо бириктирилди. Оғирлиги икки центнерга яқин бўлган бу жирафа боласи ҳозир ўзини яхши ҳис қилмоқда. Унинг бир оёғи ясама бўлишига қарамай бемалол чопқиллаб юрипти.

ҚУШ ТУФАЙЛИ БОҒЛАНГАН ҚАЛБЛАР

Сурғучлар оиласи ҳақида гап кетганда Молдавиянинг Единица шаҳрининг аҳолиси уларни бахтли оилалардан бири деб тилга олдилар.

Ҳамма иш Олегнинг ҳовлисидаги дарахт тагидан яримта медальонни топиб олганидан кейин бошланди. Шу дарахтга уя ясаётган қуш олиб келган нарсасини оғзидан тушириб юборади. Сариқ металдан ясалган бу яримта нарса Олегнинг диққатини тортди ва уни олиб бўйнига тақиб олади. Ўша йили ёзда кўчада сайр этиб юрган Олег тасодифан бўйнидагига ўхшаш яримта медальонни тақиб олган қизни учратиб қолади. Олег суриштириб билса, қизга бу ёдгорлик бувисидан қолган экан. Қизнинг бувиси бобосини у дунёга кузатаётганида бўйнидаги медальонни иккига бўлдириб, ярмисини ўзи олиб қолиб, ярмисини эса қабрга ташлаган. Вақти келиб бу эски мозор ўрнида товуқ фабрикаси қурилади. Қатлаван қилганида юзага чиқиб қолган ҳалиги сариқ металга кўзи тушган қуш уни инига олиб борган кўринади. Қуш тушириб юборган яримта медальон туфайли Олег ва қиз бахтини топишди.

БИТТА ҲАМ ЭРКАК ЙЎҚ

Молдавияда бир асрдан ортиқ умр кўрган 93 нафар одам рўйхатга олинди.

Тиббиёт ходимлари бу ҳолатни ўрганишлари асосида кутилмаган манзарага дуч келдилар. Уларни аниқланларича узоқ умр кўрганлар орасида битта эркак ҳам ҳамда бир нафар шаҳар аҳолиси учрамаган. Бутун умри давомида оғир меҳнат қилганлар, деҳқончилик билан шуғулланганларгина юз ёшдан ортиқ умр кўрган бўлиб чиқдилар. Узоқ умр кўрган бу аёллар ичида серфарзандлари ҳам талайгина. Мана масалан 102 ёшли Зиновий Плуторунинг 8 фарзанди улардан эса 20 набира, 54 чевара ва 1 эвара бор.

Маҳалла - миллатимизнинг ўзига хос белгиси, кичкина бир мамлакатдир.

МАҲАЛЛАМИЗДА ТАДБИР КЎП

Айни кунларда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Қалмоқон маҳалласида ҳам хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳаллада истиқомат қилаётган 562 нафар хонадон аҳли учун хизмат кўрсатадиган савдо расталари, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси ҳам мавжуд. «Нисо» ва «Гулчеҳра» деб номланган маиший хизмат уйлари одамларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатаётир.

- Кўпдан қуён қутулмас, дейдилар. Ҳамма муаммонинг ечими аҳиллиқда. Маҳалламизнинг ободлиги, гузарларимизнинг файзлилиги сабаби ҳам - маҳалламиз аҳлининг аҳиллигидир, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулло Жўраев.

Яқинда туман ҳокимлиги хайрли тадбирни амалга оширди - «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати 320 нафар шофирконлик отахон-онахонлар Самарқанд вилоятидаги Ал-Бухорий зиёратгоҳини зиёрат қилиб қайтдилар. Қалмоқон маҳалласидан 24 қария ушбу зиёрат сафарида иштирок этишди.

- Телевизорда кўрганинг бошқа-ю, кўзинг билан кўрганинг бир бошқа экан. Бухорийдек буюк аждодимиз қадами теккан тупроқни кўзимизга суртдик, - дея сафар тассуротларини сўзлайди Сано бобо Саидов.

Гулмира ШУКУРОВА.

Тақдирлар тарихи

ЖЎРАБЕК ДОДХОҲ ФОЖЕАСИ

Абулқодир ХАЙИТМЕТОВ,
профессор.

Мен Жўрабек номли маҳаллада яшаганим, кейинчалик мактабга айлантирилган унинг ҳовлисида ўқиганим туфайли бу шахс ҳақида кўп гапларни эшитганман. Шу билан бирга биз турган мавзе ҳам урушгача унинг номи билан «Жўрабек-Қорасув» деб аталар эди. Уни билган қариялар эса уни «Жўрабек додхоҳ» деб аташарди.

Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, Қаландар қори ўғли Жўрабек (1840-1906) асли Қашқадарёнинг Китоб бекларидан бири бўлиб, XIX аср ўрталарида Шаҳрисабз беклари билан тил бириктирган. Улар халқдан тушган солиқларни Бухоро амирлиги хазинасига бермасдан, маҳаллий харажатларга, хусусан, шу ердаги тарихий ёдгорликларни таъмирлашга сарфламоқчи бўлганлар. Бундан Амир қаттиқ норози бўлган. Лекин ҳарбий тўқнашувларда Бухоро амири уларни енга олмаган. Бухоро амирлиги Россияга тобеъ бўлгач, Амир ундан ёрдам сўраган. Шахсан генерал Абрамов қўшини Шаҳрисабзда шаҳар мудофаачиларининг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Шаҳар аҳолиси ҳам кўп қурбонлар берган. Бир неча кунлик жанглардан кейин уларнинг раҳбарлари - беклар Абрамовдан шаҳидларни кўмиш, шаҳарнинг санитария аҳволини бироз яхшилаш учун урушни вақтинча тўхтатиш ҳақида келишувга эришганлар. Бироқ улар белгиланган вақт тугамай, шаҳарга ҳужум қилганлар. Қўзғолон раҳбарларидан 4 киши, шу жумладан, Жўрабек ҳам қочиб Қўқон хонлигидан паноҳ топишган. Амир Худоёрхондан уларни талаб қилганда рад жавобини олган. Бироқ Худоёрхон атрофидаги амалдорлар жанговор руҳдаги беклардан ҳадиксираб, уларни саройдан четлатишга муваффақ бўлганлар. Жўрабек Қашқарга руслар назоратидаги ҳудуддан ўтаётганда руслар томонидан қўлга олинган.

Бироқ рус маъмурияти Жўрабекнинг ҳарбий билимлари ва бой тажрибасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қарор қилишган.

Жўрабек нафақага чиққандан кейин у тинч фаолият билан шуғулланиб, ўзига яшаш учун Тошкентдаги Қорасувда яхши, замонавий иморатлар қурган, боғ-роғлар қилган. Бу боғлардан халқ ҳам баҳраманд бўлган. У ўқимишли ва илмли одам бўлиб, китоб ва қўлёзмалар йиққан. Машҳур рус шарқшунос олими, академик В.В.Бартольд билан яқинлашиб, 1876 йили у билан бирга шарқшуносларнинг Петербургда бўлиб ўтган Халқаро конгрессида илмий маъруза билан қатнашган. Бироқ унинг ҳаёт йўли фожеали тугаган.

Жўрабек ҳақидаги бу маълумотлар орасида уни кўрган, яқиндан билган, биз яшаб турган маҳалланинг таниқли оқсоқолларидан бири бўлмиш Убайдулла Исматуллаев (1887-1989) берган маълумотлар ҳам бўлиб, хусусан, бу шахс ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақидаги маълумотлари бизга ноёб кўринди. Чунки Жўрабек таржимаи ҳолининг бу қисми бизнингча, жуда кам ўрганилган. Убайдулла ота биз билан суҳбатлашар экан, бу воқеага оид баъзи маълумотларни Жўрабекнинг яқин хизматкорларидан бири - Бойча акадан эшитганини айтган эди.

Бу мудҳиш воқеа юз берганда, Убайдулла ота 23 ёшда бўлган.

1906 йил. Февраль ойи. Убайдулла отанинг ҳикоя қилишича, кунларнинг бирида Қорасув гузарига номаълум 15 отлиқ келиб тушган. Улар сув бўйида дам олиб, ош қилмоқчи бўлганлар ва бунга тез киришганлар ҳам. Ош дамлангач, ошга Жўрабекнинг қоровулбошиси Усмонбекни ҳам таклиф этишган. Ошдан кейин отлиқларнинг бошлиғи Усмонбекка улар шу кеча Жўрабекни оёқ-қўлини боғлаб, олиб кетишга келганликларини, бунинг учун Усмонбек эл ётганда Жўрабек яшайдиган даргоҳнинг дарвозасини очиб бериши кераклигини айтган. Усмонбек бундай қабиҳ ишга қўл уролмаслигини билдирган. Шунда отлиқлар унинг ўзини ва қоровулни ўлдириб бўлса ҳам мақсадларига эришмоқчи эканликларини, ниятлари қатъий эканини маълум қилишган. Охири Усмонбек дарвозани очиб беришга кўнган. Уларнинг Усмонбекка берган яна бир муҳим топшириғи - Жўрабекнинг қиличи ва милтиғини беркитиб, тўппончасининг ўқини олиб қўйиш бўлган.

Жўрабек бино бурчагидаги ўз ётоқхонасида уйқуга кетганда, дарвоза очилиб, 15 киши ҳовлига бостириб кирган. Қоровуллардан бири - Ҳамро ота деган киши бегона одамларни кўриб, шовқин кўтарганда, уни чаккасига ханжар тиқиб ўлдиришган. Жўрабекнинг оёқ-қўлини боғлаб олиб кетиш ёлғон гап бўлиб, асосий мақсад - уни ўлдириш бўлган.

Жўрабек забардаст одам бўлиб, биринчи пичоқ зарбасиданоқ ўзига келган ва туриб босқинчиларга қаршилик кўрсатмоқчи бўлган. Бироқ у сим кроватда ухлаган бўлиб, у ўрнидан тураман деганда, оёғи кроват темири орасига қисилиб, дарҳол туролмаган. Пичоқлаш давом этган. Уйнинг тахта поли қонга беланган. Қотиллар девордан «Амир Темир қиличи» деб ном олган қилични олганлар, холос. Ўзини Амир Темур авлоди деб ҳисобланган Жўрабек учун бу қилич - энг қимматбаҳо ашё бўлган.

Улар ҳовлига чиқиб, дарвоза томон йўл олишар экан Усмонбек:

- Қўл-оёғини боғлаб олиб кетамиз!- деган эдиларинг-ку, - дея уларни номардликда айблаган. Қонхўр тўда гапни кўпайтириб ўтирмасдан, уни ҳам қилич билан чопиб ўлдиришган. Ташқарига чиққанда улар Жўрабекнинг қиличи қанчалик ўткир эканлигини синаб кўриш учун уни бир теракка чопишган. Лекин уни қайта суғириб ололмаганлар...

Жўрабек ўлимидан бир кун олдин янги масжид қуриш билан боғлиқ хужжатларга қўл қўйган ва тегишли маблағни ажратган экан. У ўз номига қурилган масжид ҳовлисига дафн этилган бўлиб, кейинчалик қабр устига махсус дахма қурилган. Бу дахма ҳозир ҳам бор. Орадан кўп ўтмай, масжид қурилиб битган. Масжид орқасидаги майдон қабристонга айлантирилиб, «Жўрабек қабристони» деб атала бошланган. Бу вақтда у 67 ёшда бўлган.

Убайдулла ота бу воқеаларни менга сўзлаб берар экан, сўзининг охирида бир хўрсиниб:

- Жўрабек додхоҳ ўзи яхши одам эди. Намозхон эди. Одамларга қўлидан келганча ёрдам қиларди, - деганн ҳамон эсимда.

Жўрабек додхоҳнинг бир нечта китобларини мен талабалик йилларимда Ўзбекистон Миллий университетининг фундаментал кутубхонасида кўрган ва ўқиган эдим. Улар орасида Алишер Навоий «Хамса»сининг яхши бир қўлёзма нусхаси ҳам бор эди. Унинг яқинда янгидан таъмир этилган турар жойи эса ҳозир Жўрабек маҳалласи идораси бўлиб, шу маҳалла аҳлига хизмат қилмоқда.

Мерос ва таҳлил

ДУНЁВИЙЛИК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистонимиз мустақил бўлганидан кейинги қисқа вақт ичида кўпгина буюк сиймоларимизнинг меросидан баҳраманд бўла бошладик.Ана шундай буюк алломаларимиздан бири Имом Мотурудийдир.

Мотурудий калом илмида баъзи бир гуруҳлар олга сурган таълимотларга раддиялар ёзиб, хато тушунчаларини инкор этди. Мотурудий ўз асарларида Қуръони каримдан калом илмининг мантиқий таҳлилларига исбот ва далиллар келтириб, уларнинг ноҳақ эканликларини ошкора айтди.

Имом Мотурудий ислом оламида турли гуруҳларга бўлинишлар юзага келиб, соф диний ақидага путур етиш хавфи пайдо бўлган бир пайтда ўзининг тўғри ва мустаҳкам ислом ақидасини аниқ ёритиб берувчи асари "Китоб ат-тавҳид" ни ёзди. Бу асар 1970 йили Байрутда, 1990 йилнинг бошида Мисрда 402 саҳифадан иборат ҳолда нашр этилган.

Мисрлик олим Фатҳулла Хулайф эса ушбу асарга 58 саҳифали кириш сўзи ёзган. Шуни яхшилаб англаш лозимки, мотурудия эътиқоди Аҳл ас-сунна ва-л-Жамоа эътиқодидир.

"Китоб ат-тавҳид" асари Мотурудий давридан то ҳозирги кунимизгача ислом ақидаси бўйича мўътабар манба бўлиб келмоқда. Хусусан, Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-Муҳаббат" асарида турк машойихларининг номларини санаб ўтади ва 649-авлиё сифатида Абу Мансур ал-Мотурудий ва унинг тўғрисидаги маълумотларни келтиради.

Бизга замондош тадқиқотчилардан олмон исломшунос олими, Гёте Университетининг профессори Ульрих Рудольф Имом Мотурудий ва унинг "Китоб ат-тавҳид" асари бўйича узоқ изланишлар олиб борди. У ўзининг "Мотурудий ва Самарқанддаги суннийлик ақидаси" номли асарини ёзди. Бу асар 1999 йилда Алмати шаҳрида рус тилига таржима қилинди. 2002 йил эса Имом ал-Бухорий жамғармаси ҳомийлиги остида ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр қилинди.

"Китоб ат-тавҳид" асари исломда ақида масалаларини баён қилишга бағишланган бўлиб, унинг сўнгги бобида гуноҳи кабиралар ҳақида сўз боради. Имом Мотурудий бу асарда асосан Қуръон, ундан кейин ҳадисларга ва ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа кўрсатмаларига таянадилар. Мазкур - охирги бобда бир қатор фирқаларнинг гуноҳи кабиралар бўйича билдирган фикрларига қарши аҳли сунна вал жамоат мавқеида туриб раддия жавоблар айтадилар.

Гуноҳи кабиралар бўйича Мотурудий ҳазратлари келтирган юқоридаги Абу Ҳанифа ҳазратларининг фикрича, ҳозир ҳам қарши фикрлар мавжуд. Масалан, ваҳҳобийлик оқими намояндалари дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, дунёвий фан ва тараққиётнинг ривожи фақат куфр ва гуноҳи кабираларни келтириб чиқаради, оқибати абадий дўзахдир дейдилар. Бироқ ҳозирги кунимиздаги фан-техника соҳасидаги эришилаётган ютуқларимизнинг башорати, хабари муқаддас китобимиз Қуръони каримда тўла баён этилган. Энди ушбу фикрларнинг барчасини жамлайликда, ал-Мотурудийнинг қуйидаги фикрига эътибор берайлик:

Гуноҳ қилган киши мўминлигича қолади, аммо осий гуноҳкор ҳисобланади. Қиёмат куни ул бандани Аллоҳ хоҳласа шафоат билан, ёки солиҳ биргина амали билан ёхуд ўз лутфу карами билан авф этади, деб ушбу ояти каримани ва ҳадиси қудсийни келтиради:

"Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарсани) шерик қилинишини кечирмас, бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур, ким Аллоҳга (бир кимса ёки нарсани) шерик қилса, бас у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди" (Нисо: 48).

Ҳазрат Анас разияллоҳу Расули акрамдан ушбу ҳадис қудсийни нақл қиладилар: Аллоҳ таоло айтади: "Эй бани Одам! Гуноҳларинг самоларни тўлдирадиган даражада кўп бўлса ҳам менга истиғфор айтсанг гуноҳларингни мағфират этгайман". (Ҳадисни Имом Термизий ривоят этган).

Дарҳақиқат, ислом дини ва буюк алломаларимиздан мерос бўлиб қолган асарлар - маънавий бойлигимиз инсоният табиатида мавжуд бўлган кўплаб ёмон иллатлардан холос бўлишга чақиради.

Бахром ТУРДИАЛИЕВ.

Усталарнинг асили - устоз кўргани!

Ҳаёт деганлари

«КЕЙИН ТУШУНИБ ОЛАСАН...»

Бешта опам бор. Лекин онам камдан-кам пайтларда поччаларим уйида тунаб қолганлар.

Уйда болаларим билан телевизор кўриб ўтиргандим. Ўлмас опам сим қоқиб, «Ойимни олиб кетармушсан», деб қолдилар.

Машинада келарканман, ойнадан орқа ўриндиқда ўтирган онамга юзланиб:

- Ойи, нега уйимга кетаман, кетаман дейсиз, ахир мен ўғлингиз бўлсам, опам ҳам - қизингиз-ку?! Ўлмас опамни ҳам хафа қилиб қўйдингиз, бир кеча ётақолсангиз нима бўларди?

Кўчаларни кузатиб келаётган онам бир дам маъюс тортиб:

- Эй, болам-ёй, чолимнинг уйи... Кейин билиб-тушуниб оларсан, - дедилар.

...Ҳар галгидек ишдан, тўғри маҳалла идорасига келдим. Котибадан бошқа ҳеч ким йўқ. Орқа кўчадаги фалончининг онаси қазо қилибди, ҳамма ўша ерда деди у. Маҳалла-кўй, қавми-қариндош билан кўча тўла одам эди. Дафн маросимини ўтказишга ҳамма хабарланган ва қилиниши керак бўлган барча ишлар тахт эди. Бироқ... бандаликни бажо келтирган онахон шаҳардан узоқроқда яшайдиган қизининг уйида экан. Кўча эшиги олдида қўйилган ўриндиқда ўтирар эканман қулоғимга одамларнинг гаплари чалина бошлади.

- Онасининг тоби йўқлигини, пишиб турганини билар экан, нега у ёққа бемалол ташлаб қўйипти?!

- Энди у ҳам қаердан билсин...

- Унақа бўлмайди-да, уйдаги ўғил дегани...

- Ҳаммаям...

Маҳалла оқсоқоли бўлсам-да нима дейишни билмай қолдим. Уларнинг гапларини эшитар эканман, онамнинг опаларимнинг уйида узоқ қолиб кетмаслигини, айниқса, охирги вақтлар тез олиб кет, дея хархашаси сабабларини ўйладим.

Наҳотки,...

Шавкат АЗИЗОВ

Тузувчи: Д.АЪЗАМОВА

СКАНВОРД



Мусаввир хандаси

Мухбир:
—Пахтакорнинг ҳосили даражаси нималарга боғлиқ?
Ишқибоз деҳқон:
—«Пахтакорнинг» нинг ўйин даражасига-да!

Янгисидан бор...

МУНАЖЖИМЛАР МАСЛАҲАТИ



ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда кайфиятингиз йўқ. Бунинг устига харажатларингиз молиявий қудратингиздан анча юқорилаб кетган. Шундай бўлса ҳам, ташвишларни вақтинча унутиб, фарзандларингиз билан кўпроқ бўлинг, дам олинг.

СИГИР(22.04 20.05)
Оила аъзоларингиз, айниқса, ота-онангиз билан муносабатда эҳтиёт бўлинг, уларни бекорга хафа қилиб қўйишингиз эҳтимол. Шу кунларда иқтидорингиз бироз сусайган, лекин бу ҳол тезда ўтиб кетади.

ЗГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни дамда сиз ҳаракат қилаётган тезликни сақлаб қолиш учун кўп нарса талаб этилмайди: фойдали маълумот ва тезкор ҳаракат. Уч-тўрт кун шу йўналишни ушлаб туролсангиз, марра сизники.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Умуман олганда, ҳафта сиз учун омадли. Лекин сизни шу кунларда бироз дангасалик забт этган. Агар дангасаликни енолсангиз, режалаштирган кўпгина ишларингизни тезда ва муваффақиятли якунлаган бўлардингиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Сиз учун шу кунларда ҳар соҳага ҳушёр бўлишни маслаҳат берамиз. Бирданига бир нечта юмушлар қўршовида қоласиз. Ишончли маълумотларга суянмай туриб, бир қарорга келманг.
Шунда туғилган кунингизни хотиржам нишонлайсиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бордию атрофингизда тушкунлик ҳолатида юрган кишилар бўлса, улардан узоқлашганингиз маъқул. Шунда улар ўзларидаги кайфиятни сизга юқтирмайдилар ва сиз келаси чоршанбагача анча ютуқларга эришиб оласиз.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Бир-биридан қизиқарли бўлган режалар ҳаёлингизни забт этган. Уларнинг ҳаммасини ҳам амалга ошириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, куч-қувватингизни тўғри тақсимлай оласиз деган умиддамиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Оилада, иш жойингизда йиғилиб қолган муаммоларни ҳамишадагидек тезкорлик билан ҳал қиламан, десангиз янглишасиз. Айнан шу сафар оғир-босиқ бўлинг, токи масала сизнинг фойдангизга ҳал бўлсин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Кайфиятингиз тез ўзгарувчанлиги боис битта муаммога турли хил ёндошасиз. Шунинг учун атрофингиздагиларнинг бир қанча эътирозларига нишон бўлишингиз мумкин. Шу кунларда «етти ўлчаб, бир кесганингиз» маъқулроқ.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Шуни эътиборда тутингки, қўл остингиздагиларга ортиқча талабчанлик қилаверишингиз, улардан узоқлашиб кетишингизга сабаб бўлади. Шунинг учун бир-иккита майда камчиликларни «кўрмай қолмаганингиз» ҳам яхши.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Бир ишни тугатмасдан, иккинчисига киришишингиз муваффақиятларингизнинг «белига тепади». Бу камчилик тезроқ бартараф этсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Келаси чоршанбагача атрофингиздагиларнинг сиздан кўпдан бери беркитиб юрган сирларию фитналаридан воқиф бўласиз. Лекин ўтиб кетган бундай салбий ҳолат учун ҳеч ким тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ҒАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—22.15